O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 5-IYUL ■ SHANBA ■ 79 (27.099) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг 20 февралидаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва ҳукуматимизнинг бу борадаги қарорини бажариш доирасида фанни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги, грант тизими шакллантирилди. Ушбу тизим куч ва маблағларни бир жойга тўплашни таъминлашга қаратилган бўлиб, уларни жамиятимиз учун долзарб бўлган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш имконини беради. Яратилган механизм илмий фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос янги технологияси ҳисобланади. Ушбу учта таркибий қисмнинг ўзаро ҳамкорлиги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. ЎзА мухбири Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор Ҳасан БЎРИЕВдан мазкур омилнинг республикамиз агросаноат мажмуи учун янгича фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялашдаги роли ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Президентимиз Ислом Каримов жамиятимиз олдига нафақат ҳар томонлама чуқур билимга эга, балки мустақил фикрлайдиган ва бозор иқтисодиётини қуриш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни ҳал эта оладиган баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини қўйди. Шу боис бугунги кунда олий таълимнинг асосий мақсади бўлғуси мутахассисларга фан, техника ва технологиялар соҳасида энг замонавий билимни бериш, уларни амалий ишлаб чиқариш шароитида қўллашни ўргатиш ҳисобланади. Бундан ташқари, улар талабалик давридаёқ келажакда ўзлари меҳнат қиладиган соҳанинг ривожланиш истиқболларини кўра билиши керак. Буларнинг барчасини таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан доимий ҳамда имкон қадар интеграциялашуви орқали таъминлаш мумкин.

Фан — тадқиқотлар натижалари бир жойга тўпланадиган, янги билимлар, ғоялар, йўналишлар, кенг кўламли маълумотлар банки шаклланадиган соҳадир. Айнан мана шунинг учун кейинги йилларда республикамиздаги олий ўқув юртлари олий ўқув юрти фанини ривожлантириш мақсадида ўзининг мустаҳкам моддий-техника базасини ташкил этишга интилмоқда. Бу, назаримда, мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган аграр соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари учун катта аҳамиятга эга. Шуниси эътиборга лойиқки, Фан ва технологиялар марказининг маълумотларига кўра, илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими шароитида бундай олий ўқув юртлари бу йил соҳавий илмий-тадқиқот институтларига қараганда кўпроқ миқдорда давлат грантларини қўлга киритган.

Университетимизда соҳа эҳтиёжларига жавоб берадиган тадқиқотларни ўтказиш учун кафедраларда энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 18 та лаборатория ташкил этилган. Шунингдек, бу ерда дала тажрибалари ва якунланган илмий ишларнинг ишлаб чиқаришдаги синови ўтказиладиган тажриба илмий-тадқиқот станцияси ҳамда ўқув-тажриба хўжалиги ҳам мавжуд. Бундан ташқари, университет ҳузурида фаолият юритаётган ўсимликларни биотехнологик ва биологик ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш лабораториялари, агроэкология маркази ҳамда «Биотехнолог», «Фунги марказ» тадбиркорлик тузилмаларининг ускуналари ва кадрлари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Университетимизда Фан ва технологиялар маркази томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-технологик ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда давлат илмий-техника дастурларининг илмий-техника кенгашлари секциялари иштирокида ўтказилган мониторинги кафедраларнинг барчаси илмий тадқиқотлар билан шуғулланаётганини аниқлади. Ушбу тадқиқотларда ўқитувчилар ва аспирантлардан ташқари, талабаларнинг 70 фоизи иштирок этмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу ишлар йўналишлари республикамиз агросаноат мажмуи соҳаларининг аниқ эҳтиёжлари билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Бу борада университетимизга яқин ҳамкорлик қилиб келаётган Фан ва технологиялар маркази катта ёрдам кўрсатди. Жорий йилда Марказ томонидан ўтказилган танлов якунлари бўйича Тошкент давлат аграр университети 21 давлат грантини қўлга киритди. Бу ўтган йилга нисбатан тўрт боравар кўп бўлиб, уларнинг маблағлари ҳажми ҳам ошди. Шу билан бирга, фундаментал, амалий ва инновация хусусиятига эга давлат дастурларининг мавзулари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Университетимизда олий малакали илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш ишлари ҳам кенг кўламда амалга оширилаётир. Масалан, аспирантурамизда бугун 11 мутахассислик бўйича 40 киши ўқияпти. Бундан ташқари, номзодлик ва докторлик илмий ишларини ҳимоя қилиш устида 30 нафар бўлғуси олим иш олиб бормоқда.

Республикамиз ва хорижда олинган илмий тадқиқотларнинг энг сўнгги натижаларини ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича яратган механизмимизни таълим ва фанни бирлаштиришни ривожлантириш борасида ўзига хос янгилик, деб айтиш мумкин. Ҳар йили ушбу натижалар ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўқув дастурлари янгиланаяпти. Ўқитувчиларимиз аграр университети кафедраларининг 17 филиали ташкил этилган академик ва соҳага оид илмий-тадқиқот институтларида мунтазам малака ошираётган бўлса, талабаларимиз уларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда. Бундай илмий-тадқиқот институтлари олимлари педагогик фаолиятга жалб қилиниб, дарсликлар тайёрлашда муаллифлик жамоалари, давлат аттестация комиссиялари таркибига киритилмоқда, аспирантларга раҳбарлик қилиб, магистрларга маслаҳатлар бермоқда. Шунингдек, уларнинг ўқитувчилар ва талабалар олдида энг долзарб илмий муаммолар бўйича чиқишларини ташкил қиляпмиз.

— Айтинг-чи, университет ва илмий тузилмаларнинг ўзаро ҳамкорлиги нима асосида амалга оширилмоқда?

— Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот институтлари ҳамда олий ўқув юртлари билан илмий-техник ҳамкорлик бўйича 85 шартнома тузилиб, фаол амалга оширилмоқда. Улар билан биргаликда ўтказаётган тадқиқотлар натижалари илмий нашрлар асосига айланаётир. Энг янги илмий-техник ахборотлар билан мунтазам алмашиш, ахборот технологиялари имкониятларидан ўзаро фойдаланиш йўлга қўйилган. Университетимизнинг энг яхши талабалари ҳамкорларимиздан қўшимча стипендиялар олмоқда. Бундан ташқари, ҳамкорларимиз иштирокида кейинги икки йил ичида университет базасида 3 халқаро, 10 республика илмий-ишлаб чиқариш анжумани, 11 семинар ташкил этилди.

Кейинги пайтда грант тизимини татбиқ этиш ҳисобидан таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлашга янада эътибор ошмоқда. Кўплаб ўқитувчи ва талабалар илмий тадқиқотларда иштирок этаяпти, академик ва соҳага оид тадқиқот институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилмоқда. Юқори малакали амалиётчи-мутахассислар таълим жараёни, янги ишланмаларни яратиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига жорий қилишга кенг жалб этилаётир. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги фанини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга олиб келади.

3-бет

Касбим — фахрим

КАНАДАЛИКЛАР ҲАМ ТАН БЕРГАН

Кўҳна Самарқанд ўзининг осмонўпар миноралари, нилий гумбазлари, меъморчилик мўъжизалари ва мислсиз халқ амалий санъати намуналари билан жаҳон сайёҳларини доим ром этиб келади.

Бу ҳайратомуз сайқалларни яратган авлод-аждодларимиз меросини авайлаб сақлаш билан бирга, уларнинг хайрли анъаналарини бугун муносиб давом эттираётган «Усто» бирлашмаси жамоасининг ҳам ишлари диққатга лойиқ. Жамоага Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Жиззах вилоятларидан 310 нафар халқ усталари уюшган. Ёғоч ўймакори Насрулло Соҳибназаров, ганчкор Сайдулла Мирзаев, машҳур кулоллар — Худойберди Хақбердиев, Нўъмон Облокулов, мармартош ўймакори Жўрахон Маллахўжаев сингари ҳунармандлар яратаётган бетакрор санъат намуналари нафақат сайёҳларни, балки дунё мамлакатларида ўтаётган турли хил кўргазмалар иштирокчиларини ҳам лол қолдирмоқда. Ўтган йили Канаданинг Тортопа, Ниагара, Оттава, Монреал шаҳарларида бўлиб ўтган жаҳон санъати VII фестивалида самарқандлик усталар маҳорати юксак баҳоланганди.



Суратларда: халқ устаси Насрулло Соҳибназаров ўғли билан; зардўзлар Гулбаҳор Жунаидова ва Ситора Бахриева; усталарнинг ижод намуналари.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

«Галла — 2003»

ҲАР ГАЛГИДЕК БИРИНЧИ

Олтиариқ тумани ғаллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини бажардилар. Давлатга 24 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди. Ҳар гектар ғалла майдонидан режадаги 45 центнер ўрнига 47,1 центнердан ҳосил олинди. Тумандаги «Иттифоқ», «Пахтаобод», «Янгиобод» «Оқбўра» каби илғор ширкат хўжаликларида ҳосилдорлик 45-55 центнерни ташкил этди.

Алишер ИБОДИНОВ

СПОРТ АНЖОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Самарқанддаги Сўғдиёна спорт мажмуида «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясига қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари ва анжомлари доимий кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазмада фақат «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғали сифатли ва арзон спорт кийимлари ҳамда анжомлар намойиш этилмоқда.

Кўргазма иштирокчиларига айниқса, Наманганнинг «Муштарий», Хоразмнинг «Феруз-Хорезм» ҳиссадорлик жамиятлари, Навоийдаги «Агама», Тошкентдаги «Юлдуз», «Тонг», Самарқанддаги «Бофанда», «Нафис» ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар барчага манзур бўлаётир.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ

БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Фазлиддин Арзиев). Япония ҳукумати Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш учун стипендия тақдим этиш грант лойиҳаси бўйича 2003 молиявий йилга мўлжалланган 58 миллион иена миқдорида беғараз ёрдам ажратди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасида алмашув нотасини имзолашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон ва Япония ўртасида барча жабҳаларда бўлгани каби таълим соҳасида ҳам алоқалар жадал ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Мазкур грант ўзбекистонлик талабаларнинг Япония олий ўқув юртларида таълим олиши учун ажратилди.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов ва Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато имзолади.

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ГАВҲАРИ

Қадимий Бухорода юқоридаги мавзуда ўтказилган очиқ мулоқот ҳамда самимий учрашувлар бухороликлар хотирасида узоқ сақланадиган бўлди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази уюштирган қатор учрашувларда истиқлол мафкурасининг бош мақсади ҳақида фикр борди. Дастлаб худди шундай учрашув вилоят ҳокимлигида мафкуравий соҳа фаоллари билан бўлди. Имом ал-Бухорий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд сингари улуғ авлиёлар, Ибн Сино, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний каби алломаларга бешик бўлган Бухорои Шарифда мазкур масалада амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Лабиҳовуз бўйидаги сўлим чойхонада очиқ мулоқот давом этди. Унда кўпни кўрган отахонлар бир пиёла чой устида маънавиятимиздаги кемтикликлар, ildизлари минг йилликларга бориб тақалган маънавий меросга ёшларнинг эътибори ҳамда ҳурмати, ота-оналар зиммасидаги масъулият ҳақида қизғин баҳс қилдилар. Ёшлар марказининг дебат клуби аъзолари билан учрашувда мустақил фикрлашга интилаётган, билимли ва фаол ўғил-қизлар қалбларидаги фикрларни тўкиб солдилар.

Кечга бориб эса шаҳардаги амфитеатрда учрашувлар якунланди. Таниқли хушовоз хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Фармоновнинг янги концерт дастурлари ҳаммага маъқул бўлди. Худди шундай учрашув ва мулоқотлар вилоятнинг қатор туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Даврон БАҲРОНОВ

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Олий Мажлис депутати Абдулла ОРИПОВ яқинда Япония сафарида бўлиб қайтди.

— Абдулла ака, аввало, зиёратлар қабул бўлсин...

Сиз Японияда юрган пайтингизда матбуотда «Жаҳон»



агентлиги тарқатган бир хабар босилди. Унда сизга Японияниг Хачиоджи шаҳридаги Сока университети профессори унвони берилганлиги ҳақида ёзилганди. Японияга ушбу воқеа бўйича таклиф этилганмидингиз? Ёки сафардан кўзланган бошқа мақсадлар ҳам бормиди?

А. Орипов Сока университети ректори Т. Вакае билан.

— Сока университетидаги учрашув сафар дастуридаги тадбирлардан бири эди. Японияга мен жуда кўп режалар билан



боргандим. Маълумки, ўтган йили Юртбошимиз Ислом Каримов Японияга расмий ташриф билан борганларида кўп соҳалар бўйича ҳамкорлигимизни, жумладан, адабий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш кераклигини таъкидлагандилар.

2-бет

ОАВ ВА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида экология муаммоларининг ОАВ ва матбуотда ёритилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилган давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мавжуд экологик муаммолар ечимини топиш инсониятдан ўзаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳатликни талаб этади. Бу борада жамоатчилик, айниқса, ОАВларнинг роли беқиёс. Шу мақсадда Минтақавий экологик марказ 2001 йилдан буён эколог-журналистлар фестивалини ўтказиб келмоқда. Ўтган йил унинг финал босқичи Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

Анжуман доирасида жорий йил бўлиб ўтадиган танлов тақдимоти ўтказилди. «Лочос» нодавлат-нотижорат ташкилоти, Орол ва Амударёни муҳофаза қилиш иттифоқи мазкур танловнинг миллий мувофиқлаштирувчилари ҳисобланади.

Тадбир ташкилотчилари журналистларни танловнинг жорий йил босқичи шартлари билан таништирдилар.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ХДП ҳаёти

МУЧАЛИНГ МУБОРАК, МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ!

Мустақиллигимиз рамзи — давлатимиз байроғида 12 та юлдуз чарақлаб турибди. Мамлакатимизда 12 та вилоят гуллаб-яшнаб, келажаги буюк давлат қурилишида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганига 12 йил тўлмоқда. Мустақиллик тенгдошлари 12 ёшга тўлмоқдалар. Тоталитар тузум қандай бало эканлигини билмайдиган бу бахтиёр фарзандларимиз яқинда халқимизнинг ажойиб анъаналарига биноан ўз мучал тўйларини нишонлайдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюроси «Мамлакат Мустақиллиги 12 йиллиги муносабати билан Тошкент вилоятидаги Ўзбекистон ХДП шаҳар ва туман кенгашларида «Мучалинг муборак, Мустақиллик тенгдоши» шиори остида қабул маросимларини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ, қабул маросимлари барча шаҳар ва туман партия кенгашлари томонидан, тегишли ҳокимликлар, ҳокимликларнинг мутасадди бошқарма ва бўлимлари, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари қўмиталари, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашлари, бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан келишган ҳолда жорий йил август ойида ўтказилади.

Қабулда «Мустақиллик — халқимизнинг асрий орзуси» мавзусида маърузалар тинглаш, Мустақиллик тенгдошларига эсдалик совғалари ҳамда ўқувчи ёшлар орасидаги аъло ўқиши, намунали хулқи билан ном чиқарган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этаётган ўқувчиларга ўзларининг республика байроғи фонида олинган рангли фотосуратларини топшириш, ёзги оромгоҳларда ХДП туман, шаҳар кенгашлари ташаббуси ва иштироки билан ўтказилган спорт мусобақалари, «Менинг мустақил Ватаним» шиори остида ўтказилган расмлар ва иншолар танловида ғолиб бўлган ўқувчиларни фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши маслаҳатчилар гуруҳи

124 КИШИ ГУМОН ҚИЛИНИБ...

Reuters агентлигининг хабар беришича, Саудия Арабистонида «Ал-Қоида» ташкилотига алоқадорликда гумон қилиниб, шу йил май ойидан бери 124 киши қамоққа олинган.

Маълумки, май ойида «Ал-Қоида»га тааллуқли террорчи-камикадзелар Ар-Риёддаги турар жойни портлатиши оқибатида 35 киши оламдан кўз юмган эди.

Мамлакат ички ишлар вазири, шаҳзода Найеф таъкидлашича, қамалганларнинг айримлари афғонистонликлардир.

АХБОРОТ УЧУН 25 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

Ироқдаги Америка муваққат маъмурияти Саддам Ҳусайннинг ўлганлигини ёки унинг қаердалигини тасдиқловчи фактни ошкор этган ва шу билан бирга уни тутишга ёрдам берган шахс учун мукофот пулини 25 миллион доллар қилиб белгилади.

CNN телекомпанияси хабарига кўра, унинг ўғиллари ҳақидаги — қаердалиги ёки ўлганлигини тасдиқловчи ахборот учун эса 15 миллион доллар миқдорида мукофот пули тайинланди.

УЙСИЗ-ЖОЙСИЗ ҚОЛДИЛАР

Ҳиндистонда ҳозир муссон ёмғирлари мавсуми. Биламизки, яқингинада бу мамлакатда жазирама иссиқ оқибатида бир ярим мингга яқин одам оламдан кўз юмган эди. Энди эса муссон ёмғири сабабли юз берган тошқинлар...

ИАНС агентлиги ахборотида ёзилишича, куни кеча Ассам, Трипур ва Мехгалай штатларида кучли ёғингарчилик юз берди. Бу табиий офатнинг зарари, айниқса, Ассам штатида кўп кузатилди. Брахмапутра дарёси тошиши оқибатида 500 киши ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлди. 11 туман билан умуман алоқа узилиб қолди — асосий йўлларни сув босган, кўприклар бузилган. Трипур штатида эса 10 мингдан ортиқ киши уй-жойсиз қолди.

Жабрланганлар учун махсус лагерлар ташкиллаштирилмоқда, кўплаб мактаб ва давлат муассасалари ёпилган, у ерларга жабрланганлар жойлаштирилмоқда. Дори-дармон ва ичимлик суви етишмаётганлиги сабабли вазият қийинлашиб бормоқда.

ҚАЙТА ИШ БОШЛАДИ

Бағдоддаги Ироқ миллий музейи яна қайтадан ўз ишини бошлади. У Ироқда ҳарбий ҳаракатлар бошланганлиги сабабли фаолиятини тўхтатган эди.

Коалиция кучлари томонидан Бағдод эгаллангач, музейдан 170 мингга яқин экспонат ўғирлаб кетилган. ЮНЕСКО ўшанда ўғирлик профессионал ўғрилар томонидан содир этилганлиги ҳақида баёнот берган эди. Ўғирланган экспонатларнинг айримлари ҳали-ҳануз топилгани йўқ, дейилади BBC хабарида.

ЎН ТЎРТИНЧИ ВИТАМИН

Профессор Такафуми Катонинг Reuters агентлиги журналистларига маълум қилишича, япон олимлари янги витамин (аниқроғи, витаминлар гуруҳи) яратдилар. Уни PQQ, дея номлашди. Бу 55 йилдан кейинги яратилган биринчи янгиликдир. PQQ шу пайтгача фанга маълум бўлган витаминларнинг ўн тўртинчиси бўлиб рўйхатга олинди.

Такафуми Катонинг айтишича, аслида PQQ моддаси (pyrroloquinoline quinone) 1979 йилдаёқ айрим ўсимликлардан ажратиб олинган эди. Бир неча йиллардан бери унинг гуруҳи устида олиб борилган тажрибалар эса PQQ витаминлар таркибига киручи модда эканлигини аниқлади.

Гап шундаки, тажрибада сичқонлар синаб кўрилди, яъни айнан PQQ моддаси ажратиб олинган ўсимликлар билан синовдаги сичқонлар озиқлантирилди. Маълум вақтдан сўнг уларнинг жунлари тўкила бошлади. Эндиликда олимлар шундай хулоса қилишмоқдаки, демак одам организмида ҳам PQQнинг етишмаслиги репродуктив жараёнларга таъсир этиши мумкин.

Япон олимларининг кузатишларига кўра, PQQ асосан соя дуккаклари таркибида кўп бўлади. Бу эса Японияда кўп истеъмол қилинади. Шунингдек, киви, папайи, кўк чой ва яшил қалампир таркибида ҳам PQQ моддаси кўп учрайди.

КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Японияликлар ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаган эдилар. Ушанда мен Японияга боришни, шу вазифалар рўёбга чиқишида ёзувчиларимиз ҳам ҳисса қўшишини ўйлагандим. У ерда «Япония жамғармаси» мавжуд, у жуда нуфузли жамғарма. Илмий, адабий ёки санъат соҳасидаги алоқалар ҳам шу жамғарма орқали бажарилади. Японияга сафаримни ҳам ушбу жамғарма таъминлади. Бунда Япония элчиси жаноб Каватонинг хизмати катта бўлди.

Сафарим 15 кунга мўлжалланган бўлиб, ҳар бир кун, соат, дақиқаларгача белгиланган эди. Япониянинг йирик-йирик шаҳарларида бўлдим, университетларида учрашувлар ўтказдим. Етакчи ёзувчиларию ноширлари, жамоат ва давлат арбоблари билан кўришдим, ўзбек адабиётидан таржима қилган таржимонлари билан учрашдим. Таассуротлар катта.

— Японияниг жуда тараққий этган мамлакат эканлигини яхши биламиз. Дастлаб нималар эътиборингизни тортди?

— Таассуротларимдан дастлабкиси шундан иборатки, японлар бизнинг халқимизга жуда катта ҳурмат билан қарар экан. Бизнинг Президентимизни ниҳоятда ҳурмат қиларканлар. Мамлакатимиз имкониятлари ҳақида чуқур маълумотга эга эканлар. Барча-барча соҳаларда улар Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида. Улар бизни ўзларига ниҳоятда яқин халқ сифатида қарайдилар. Бир суҳбатда мендан «бизнинг адабиётимизда қуёш ва аёл тимсоллари етакчи, сизларда-чи?» — деб сўрашди. Бизнинг адабиётимизда ҳам аёл мавзуси, ёруғлик, яхшилик, олижаноблик, назокат мавзулари устувор. Она ҳақида ёзмаган бирон шоирни топиш қийин, дедим.

— Турмуш тарзидаги қай жиҳатлари бизга яқинроқ?

— Кўпчилик ҳолатларда... жуда яқинлик, хонтахта атрофида ерга тўшак ёзиб ўтирадилар, айрим сўзлари ҳам жуда ўхшаш. Масалан, ота, кўкрак каби сўзлар учрайди. Япон олимлари билан суҳбатда бир мулоҳазани айтишди. Жуда ҳам қадим замонларда инсоният у ёқдан бу ёққа кўчиб юрган вақтларда бизнинг аждодларимиз бирга юришганлар. Кейинчалик биз бу ерга, улар эса Шарққа, шу оролга кетишган. Қандайдир ҳақиқат борга ўхшайди, бу гапларда. Чунки, урф-одатларимиз, кўнглимиз бир-биримизга жуда яқин. Илмий-тарихий лингвистик тадқиқотлар ушбу тахминларни эътироф этади.

Кейинги даврларга назар ташлайдиган бўлсак, яқинлигимизни исботлайдиган бошқа мисолларни ҳам учратамиз. Иккинчи жаҳон урушида япон ҳарбий асирларининг кўп қисми Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилган. Улардан ҳозир 43 нафари ҳаёт экан. Уларнинг кўпчилиги Япония — Ўзбекистон дўстлик жамияти аъзоларидир. Улар Ўзбекистонда ўтган ҳаётларини эслаб, халқимиздан миннатдор. «Қурилишларда ишлаётганимизда ўзбек халқи бизни очдан ўлиб кетмасин деб соқчиларнинг кўзларини шамғалат қилиб, деворлардан ошириб бизга нон, туршак, майиз беришарди. Кейин бизнинг қабрларимизни ҳам ўзбек халқи ҳеч қачон таҳқирлаган эмас. Мозорларимизнинг атрофини ўзбеклар қабристони ўраб олган, гўёки ўзининг бағрига олиб тургандай...» Улар яна бир воқеликни жуда миннатдор бўлиб ёдга олишди. «Навоий театрини бизнинг японлар қуришган. Театр биносидаги лавҳада японлар асир дейилмаган, бу лавҳанинг биринчиси сизнинг давлат тилингизда, иккинчиси япон тилида, кейин эса инглиз, рус тилларида ёзилган. Биз ўзбек халқидан, жаноб Каримовдан бир умр миннатдормиз.»

Дарҳақиқат, японлар билан ўзбеклар ўртасида ҳеч қачон совуқчилик тушмаган. Қадим замонларда ҳам, ҳозир ҳам орамиздан қора мушук ўтмаган ва иншооло ўтмагай. Японлар бизнинг мустамлакачилик зулмида яшаганимизни, халқимиз ўзлигини, ғурурини сақлаб қолганини яхши биласи. Японлар бизни Марказий Осиёда энг қадимий, энг маърифатли халқ, деб эътироф этишади. Буюк боболаримиз обрў-эътиборларини эъзозлашади. Сурхондарёда япон ва ўзбек археологлари олиб бораётган ишлардан ҳам улар яхши хабардор. Тошкентда бунёд этилган «Япон боғи» уларга маълум. Ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар ишлаётгани, бу стратегик шерикчиликнинг янгидан-янги қирралари кўзга ташланаётгани ғоят қувонарли ҳол эканлигининг гувоҳи бўлдим.

— Кетишингиздан олдин Японияда бобомиз Алишер Навоийга ёдгорлик қурилишини маслаҳатлашиб кўрамиз дегандингиз. Бирор тўхтамга келиндими?

— Сока университети президенти жаноб Икеду XX асрнинг йирик файласуфларидан ҳисобланади. Олдин ҳам мен у одамдан хатлар олганман. Унинг айрим шеърларини таржима ҳам қилганман. Университет навоийхонлик кечасини ўтказиб тураркан. У ерда Рембрант, Микеланжело, Толстой каби улуғларнинг ҳайкаллари бор. Улар қаторида бобомиз Алишер Навоийнинг ҳам ҳайкалини қўйишмоқчи.

Шу ўринда Японияда элчимиз Мирсобит Очилов Навоий ҳайкалини ўрнатиш масаласида кўп елиб-югурганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбек ҳайкалтароши ҳозир иш устида. Шунингдек, Навоий асарларини япон тилига таржима қилиш юзасидан ҳам келишиб олдик. Бошқа кўп ёзувчиларимиз асарлари ҳақида ҳам гапириб бердим. Уларга япон адабиётидан қилинган таржималар ҳақида айтдик, хурсанд бўлишди. Агар Япония мавзуси сизларни қизиқтирса, марҳамат, ёзувчиларингиз, таржимонларингиз келишсин, ёрдамимизни аямаймиз, дейишди.

Яна бир гап: уларда Нара деган шаҳар бор, Япониянинг биринчи пойтахти. Кейингиси Киото, ҳозиргиси Токио. Нара шаҳри билан Хива шаҳрини биродарлаштириш масаласида элчимиз иштирокида анча суҳбатлашдик. Нара шаҳрининг мэри жуда ақлли, яхши одам экан, Ўзбекистон ҳақида хайрихоҳлик билан жуда кўп нарса сўради.

— Абдулла ака, ўзбекистонлик тадбиркорлар, талабалар билан ҳам учрашибсиз деб эшитдик...

— Осака деган йирик шаҳарда Ўзбекистон ресторани бор. У ерда ўзбекча сўзаналар дейсизми, карнай-сурнайми, дуторми, танбуру чилдирма осиғлиқ турибди. Хонтахталар атрофида лўлаболишлар... Айтишларича, кунига 50-60 хўранда ташриф буюраркан. Тўйлар ҳам бўларкан, албатта ўзбек таомлари тортиларкан.

Токио университетида катта адабий учрашув бўлди. Элчимиз билан бирга бордик. Ўзбекистонга келиб фан номзодлигини ёқлаган олимлар, жумладан, Фитрат ижоди бўйича илмий иш олиб бораётган мутахассислар, тилшуносларнинг ҳам йиғинда қатнашди. Бизда ўқиб кетган япон ёшлари жуда катта иштиёқ билан ўзбек тилида саволлар беришди ва ўзбек тилида мен билан суҳбатлашишди.

«Япония жамғармаси» президенти жаноб Фудзи билан учрашув ҳам мароқли бўлди. Бизнинг сафаримизни уюштирган бу киши жуда доно ва кўпни кўрган зот экан. Унинг айтишича, тарихда Япония бир муддат ҳарбий уюшмалар таъсирига тушиб қолган. Кейинчалик асосий эътиборни иқтисодни ривожлантиришга, ички бозорни ўз маҳсулотлари билан тўлдиришга қаратган. Замонавий технологияни яратишга жиддий киришилган. Шу орқали жаҳонда ўз ўрнига эга бўлган.

Япония ҳозир дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бири. Айни пайтда режаларингиз қанақа дея сўрадим. «Биз энди интеллектуал экономикани яратишимиз керак», деди у. Менимча, бу жуда ҳам муҳим гап. Интеллектуал экономика... Уни ўзбекчада нима дейиш мумкин?.. Иқтисодий салоҳият, ақл-заковат чўққисими?..

Қадимда лемурлар, атлантлар цивилизацияси ўтган. Улар ақл-фикр қувватидан фойдаланишни ўрганиб, мўъжизалар яратишган. Японларнинг ҳозирги орзулари ўшаларни эслатмайдими?..

Япон мўъжизаси ҳақида мен кўп эшитгандим ўқигандим. Кунчиқар мамлакатида бўлганимда эса мен Япония мўъжизаларини янгидан кашф қилдим. Япония мўъжизаси — бу юртнинг зийрак, тиришқоқ, истеъдодли, хушфеъл одамлари экан.

Жаноб Фудзи билан узоқ суҳбатлашдик. Ўзбекистонда улар жамғарма бўлимини очиш ниятида эканлар. Бу жуда ҳам муҳим. Бу дегани бирор масала юзасидан Японияга бориш шарт эмас, Тошкентнинг ўзида уни битказиш мумкин деганидир.

— Телефонда гаплашганимизда Япониянинг Ўзбекистондаги олдинги элчиси Накаяма хоним билан ҳам учрашганингизни айтгандингиз... У билан бир неча бор суҳбатлашдим. Опамиз учрашувларимизда ҳам қатнашди. У доимо Ўзбекистон ҳақида меҳр-муҳаббат, ҳурмат билан жўшиб гапирар эди. Накаяма хоним «Ўзбекистонда ўтказган даврим, ҳаётимдаги энг бахтли кунларим, умрим охиригача ёдимдан чиқмайдиган кунларим бўлди», деган гапларни кўп айтаркан. Президентингизга менинг саломимни, эҳтиромимни етказинг, деб такрор-такрор илтимос қилди. Ҳозир Накаяма хоним Япония ҳукуматида махсус маслаҳатчи экан.

Киото шаҳрида «Бобурнома»ни япон тилига таржима қилган олим Эйжи Мано билан учрашдик. У Ўзбекистон тарихи ҳақида ҳаяжонланиб сўзларкан, биздаги «Бобурнома» нашрини жуда қадрлашини билдирди. Янги нашрдан 5-6 нусха юборишимизни илтимос ҳам қилди.

— Абдулла ака, Японияга биринчи боришингиз бўлса керак? Дастлабки таассуротларингиз қанақа бўлди?

— Мен 15 кун давомида уларнинг телевидениесида зўравонлик, ваҳшийлик тўғрисидаги, шарм-ҳаёсиз фильм ёки кўрсатувни учратмадим. Уларда назокат, эзгулик ниҳоятда қадрланар экан.

Яна бир эътибор берганим, одамларнинг ранги тоза. Кўчаларида чиқиндиларни кўрмадим. Улар жуда самимий, қўнгли очиқ, камтар одамлар. Ўзбекча қилиб айтганда, олифтагарчиликни билишмайди.

— Сиз Токиодан телефон орқали «Карвон» сарлавҳали тўртликни узатгандингиз. У қандай туғилганди?

— Бир вақтлар, шўро замонида Америкага борганман. Ўшанда бизга уқдиришиб, баланд-баланд иморатларга маҳлиё бўлиб қараманглар, чиройли нарсаларга тикилиб қолманглар дейишган. Кейинчалик англадимки, бошқаларга нописанд қараш, ўзгалар ютуғини тан олмаслик шўро салтанатининг сиёсати экан. Биз ундаймиз, биз бундаймиз, эртага коммунизм қурамиз, дея ваъзхонлик қилинаркан. Охир-оқибат нима бўлгани ҳаммага маълум. Ҳозир совет империясидан қутилган миллатлар, элатлар тараққиётни янгидан бошладилар. Ҳозир бизнинг болаларимиз хорижда ўқишаяпти, улар кўп нарсаларни урганишяпти.

Японияда ўқиётган ёшларимиз билан бўлган учрашувда уларга Беруний бобомизнинг бир гапини айтиб бердим. Яъни: «Эй фарзанд, сен бобонг қурган иморатга бир ғишт қўйгин, шунда бобонгнинг ишини давом эттирган бўласан.

Мана энди Ўзбекистон катта йўлга чиқди. Шўро замонида ўтиравердик эканмизда!..

— Абдулла ака, нима деб ўйлайсиз, хорижда, жумладан Японияда ўқиётган болаларимиз ота-оналари уларга умид билан қарашаётганини, эртанги кунимизни уларга ишонганимизни ҳис этишаяптими?

— Талабаларимизни элчихонамизга тўпладик. Самимий суҳбатлашдик. Сизлар бу ерларда ўрганганларингизни юртда амалга оширасизлар, шунинг учун Президент ишониб сизларни бу ерларга юборди, дедик.

Тўғриси, бу учрашувдан жуда хурсанд бўлдим, ғурурландим. Болаларимизнинг кайфияти яхши. Ҳар бирлари тезроқ ўқишни битириб, Ватанга қайтиб, элга хизмат қилишни ўйлаяпти.

— Абдулла ака, мана, сиз Японияда келганингизга бир ҳафтача бўлаяпти. Таассуротлар тиниқлашгандир. Япон халқи шаънига нималар дейишни истайсиз?

— Японияни бу қадар юксалишига биринчи галда ўзини ўзи танигани олиб келди. Иккинчи, яна бир муҳим ютуғи уларнинг ҳамжиҳатлигида. Япон халқи тараққиётда ўзининг йўлини топиб олган халқ.

Юртбошимиз айтганларидек, эл бир бутун бўлса, мақсад бир бўлса, Ватан манфаати йўлида ҳамма фидойи бўлса, миллат ҳеч кимдан кам бўлмайди. Бунинг мисолини жумладан, Японияда кўрдим.

— Абдулла ака, табиийки, мухлисларингиз сиздан янги шеърларни кутишади.

— Ижодкорлар қаерда бўлмасин, қалам-дафтарини ёнида олиб юради-ку. Мен у ерда кўпгина шеърлар ёздим...

— Киши Ватандан узоқда юрганда ўз юртини энтикиб эслайди. Юрт билан боғлиқ ҳар бир воқеадан ҳаяжонланади. Японияда юрганингизда Ўзбекистон билан боғлиқ энг таъсирчан ҳолат ҳақида гапириб берсангиз?

— Киото шаҳрида бўлганимда ярим тунда телефон жиринглади. Телефон гўшагини кўтарсам: «Бобожон, яхшимисиз!» деган сўзларни эшитиб, ғалати ҳолга тушдим... У менинг 12 ёшли набирам Шоҳруҳнинг овози эди... Бу овоз дунё билан гаплашиш имконига эга бўлган янги Ўзбекистоннинг овози эди!..

Сафар ОСТОНОВ суҳбатлашди

Сока университетидаги навоийхонлик анжумани қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Япон оҳанглари

ЯПОН

Бошимда дўппию, эгнимда чопон,
Меҳмон бўлиб келдим, мен сенга япон.

Саке[1] шаробингдан бир қултум ютдим,
Оролдан оролга сакрадим, ўтдим.

Японча салом бу — қаддим — токи ё
Сенга эҳтиромим бўлсин, Токио.

Сайр этдим Киото кўчаларида,
Ўй сурдим ёмғирли кечаларида.

Қадрдон кўриндинг менга чиндан ҳам,
Камтарин тоғамдай ё мушфиқ холам.

Ихчам қадамларинг, қисиқ кўзларинг,
Бунча дилга яқин ўғил-қизларинг.

Сира парво қилмай ўтар умрга,
Жон бериб турибсан тошга, темирга.

Рулсиз машинада асра омонда,
(Ҳайдовчи ўлтирар бошқа томонда.)

Сўрайман ўртага қўйиб виждонни:
Сен қандай забт этдинг буткул жаҳонни?

Шеър ёзиб, гап сотиб турибман шу он,
Япон-чи, иш билан машғулдир япон!

[1]*Саке — шаробнинг номи*

БУДДА

Тош ҳайкал. У — Будда, буюк пайғамбар,
Мафтун эта олган ярим дунёни.
Умматин жисмида мисли жон қадар,
Тош каби мустаҳкам Будда иймони.
Бахтлидир ким бўлса унга муносиб,
Япон кулбасида тутмиш у ватан.
Қандоқ келди экан, шунча йўл босиб,
У олис Сурхондан — Қоратепадан...

РУҲИЯТ

Қайдадир толиқиб, тин олар денгиз,
Ям-яшил қирларга чўка бошлар тун.
Сокин ҳаво узра таралар унсиз —
Япон оҳанглари маҳзун ва узун.

Ёмғир ёға бошлар — номсиз бир армон,
Руҳимга мўралар ўзга бир дунё.
Улар бари таниш... Балки бир замон,
Мен ҳам япон бўлиб яшадимми ё.

ИБРАТ

Мендан Япон ким деб сўрама, укам,
Ўзингча бежама ўз палагингни,
Агарчи юмалоқ эрур бу олам,
Дунё деб ўйлама ҳандалагингни.
Тақдирдан ўзгаси кўпинча ёлғон,
Ҳеч ким бўла олмас бахтнинг ўғриси.
Ўргатгани келмас дунёга инсон,
Ўргангани келар, тўғриси...

ОСАКОДА ЎЗБЕК ЧОЙХОНАСИ

(Тадбиркор ўзбек йигитига)

Осако шаҳрининг қоқ ўртасида
Ўзбек чойхонаси бунёд бўлмишдир.
Бетакрор маза бор ош, хўрдасида,
Тановул қилганлар кучга тўлмишдир.
Тандир гурилласа, ўт ёққан они,
Ахир қўзғатмайди кимнинг ҳавасин.
Кичкина қуёшдек ўзбекнинг нони,
Қиздириб турибди япон ҳавосин.

ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАМКОРЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Тошкент давлат аграр университети қайси йўналишлар ва ташкилотлар билан таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантирмоқда?

— Бу борада хориждаги ҳамкасбларимиз билан АҚШнинг Қишлоқ хўжалик департаменти, ЮСАИД, ТАСИС ва ТЕМПУС дастурлари, бошқа халқаро тузилмаларнинг грантлари бўйича молияланадиган умумий қиймати 150 минг АҚШ доллари ҳамда 60 минг еврога тенг 14 та илмий лойиҳанинг ҳамкорликда амалга оширилиши амалий ҳамкорликка мисол бўла олади. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан анча кўп демакдир. Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлари орасида АҚШ, Миср, Малайзия, Италия, Германия, Греция, Ҳиндистон университетлари, Хитой, Исроил, Жанубий Корея, Ҳиндистоннинг ўқув марказлари, Буюк Британия, Голландия коллежлари, шунингдек, қатор халқаро ташкилотлар бор. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг технологик даражаси, унинг рақобатбардошлигини ошириш, инновация маҳсулотининг ички ва ташқи бозорга чиқишини таъминлашга йўналтирилган ихтисослаштирилган мавзулардан ташқари, хорижлик ҳамкорлар билан илғор педагогик технологияларни яратиш ҳамда ўзлаштириш лойиҳалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамжиҳатликка бўлган қизиқиш олимларимизнинг юқори салоҳияти, илмий фаолиятдаги изчиллик бугунги кунда республикамиз ташқарисида ҳам маълумлиги ва доимий ривожланишда эканидан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маҳаллий қишлоқ хўжалик фанининг халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашуви асосида университетимизда давлат илмий-техник дастурларини бажариш доирасида олиб борилган ва айни пайтда олиб борилаётган тадқиқотлар натижалари ётибди. Масалан, инновация гранти доирасида ИКАРДА ва СИММИТ халқаро ташкилотлари билан биргаликда Тошкент давлат аграр университети ҳузурида халқаро унификацияланган буғдой кўчатхонаси ташкил этилган. Бу ерда нав танлов асосида синовдан ўтказилиб, арпа, буғдой ва тритикала каби бошоқли экинлар халқаро коллекцияси шакллантирилган. Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароитида бошоқли экинларнинг янги ва истиқболли навларини етиштириш борасида ҳам агротехник синовлар амалга оширилаётир. Буғдойнинг шўр босган, қурғоқчил ерлар ва касалликка чидамли янги нави давлат тажрибасидан ўтказиш учун тайёрланди.

Шу билан бирга, халқаро ҳамкорлик ўқитувчиларнинг малакасини оширишга ҳам ёрдам бермоқда. Уларнинг 90 нафардан ортиғи хорижий ўқув марказларида малака оширди. Хорижий ўқув марказларининг 60 нафарга яқин илмий ходимлари университетимизга келиб маърузалар ўқиди, педагоглар ва талабалар иштирокида семинарлар ўтказди, янги таълим технологияларини жорий қилиш борасида тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Ҳасан Чўтбоевич, маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида туб ислоҳотларни амалга ошириш ва уни жаҳон андозалари даражасига етказиш учун нафақат махсус маълумотга эга, ҳар томонлама билимли кадрлар, балки иқтидорли, янгича фикрлайдиган ташаббускор мутахассислар ҳам керак. Аграр университетида бундай иқтидорли талабаларни аниқлаш ва тайёрлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу фаолиятимизнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Тошкент давлат аграр университетида истеъдодли ёшларни топиш ва уларнинг иқтидорини очишга кўмаклашиш бўйича аниқ тизим йўлга қўйилган.

Тошкент давлат аграр университетида таҳсил олаётган йигит ва қизлар орасида, ҳақиқатан ҳам, иқтидорлилари кўп. Уларнинг энг истеъдодли, мустақил илмий фикрлашга мойилларини синчковлик билан танлаш ўз самарасини бераётир. Мисол учун, биргина жорий ўқув йилида бир йўла икки магистрантимиз — Руслан Гилимшин ва Алишер Шоумаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипедияси соҳиби бўлди. Бундан ташқари, 13 нафар талаба бугунги кунда Беруний, Улуғбек номидаги давлат стипендияларини олаётган бўлса, магистрант Екатерина Аблаева Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Бошқа талабаларимиз ҳам турли жамғармалар, ташкилотлар, йирик корхоналарнинг стипендияларини олмоқда. Аминманки, уларнинг барчаси олий ўқув юртини тугатгач, нафақат яхши ишлайдиган ўз касбининг усталари, балки фан ва ишлаб чиқариш ташкилотчилари ҳам бўлади.

Қорақалпоғистон давлат университетининг аграр факультети негизида Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалини ташкил этиш ҳам мана шунга қаратилган. Бундай қарор Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 июнидаги «2003-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига асосан қабул қилинган бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар талаблари ҳамда Оролбўйи минтақаси учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига жавоб беради.

Янгича фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўқитувчилар салоҳияти ҳам катта ўрин тутади. Биз ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини ва нуфузини янада кўтариш, илмий фаолиятдаги иштирокини рағбатлантиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Рейтинг асосида баҳолашга мувофиқ қатор ўқитувчиларга ойлик иш ҳақининг 25 фоиздан 100 фоизгача қўшимча ҳақ тўланмоқда. Ҳар йили энг яхши кафедра мудири, профессор, доцент танловини ўтказамиз. Грантлар ва хўжалик шартномалари бўйича тадқиқот ишларини олиб бораётганларга эса қўшимча иш ҳақи тўланаётир.

— Кадрлар тайёрлаш тизимининг учинчи таркибий қисми — ишлаб чиқариш билан бирлашиш — ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ҳисобланади. Айтинг-чи, аграр университетининг иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги сектори билан алоқалари қай даражада?

— Бугун олий ўқув юртимизда таълимнинг барча йўналишлари ва моҳияти, мутахассисларга қўйиладиган касбий талаблар ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бундан 10 йил аввал Тошкент давлат аграр университетида кўп тармоқли йирик ўқув-тажриба хўжалиги ташкил этилган эди. Хўжалик ҳудуди 5 минг гектардан ортиқ бўлиб, унинг 3 минг гектардан ортиғини қишлоқ хўжалик экинлари майдонлари ташкил қилади. Бу ерда пахта, бошоқли экинлар, сабзавот, озуқа ва бошқа экинлар етиштирилади. Бундан ташқари, хўжаликда 4 гектар иссиқхона комбинати, сут, чўчқачилик ва қўйчилик фермалари, пиллачилик, биолаборатория, уруғчилик станциялари ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалиги тармоқлари бор. Бу ерда тадқиқотлар натижалари синаб кўрилади, ўқитувчилар малака оширади, бакалавриат талабалари эса қишлоқ хўжалиги мавсумида янги агротехнологияларни ўзлаштиради.

Бу каби тажриба базаси имкониятларидан фойдаланиш ўз самарасини берди. Биргина кейинги уч йилда университетимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик экинларининг 4 янги нави, яъни пахтанинг янги «Адолат», тарвузнинг «Олмос», «ТошДАУ-70» иссиқхона бодринги ва «Куз ҳадяси» шолғоми нави Давлат реестрига киритилди. Ҳозир бу ерда пахтанинг «ТошДАУ», бодрингнинг «Магистрант» нави давлат синовидан ўтказилмоқда. Шу вақт ичида 18 янги илмий ишланма жорий қилиниб, 27 патент олинди.

Университетнинг илмий-педагогик жамоаси республикамиз агросаноат мажмуининг технологик муаммоларини ҳал этишда фаол иштирок этаётир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари буюртмалари бўйича кафедраларимиз умумий ҳажми 46 миллион сўмдан ортиқ хўжалик шартномаси асосидаги тадқиқотларни амалга оширмоқда. Университетимиз ўз ходимларини вилоятлар ва туманларга семинарлар ўтказиш учун хизмат сафарига жўнатади. Улар жойларда истиқболли технологияларни татбиқ этишга ёрдам бераётир. Қатор илғор хўжаликларда эса ТошДАУнинг асосий кафедралари филиаллари ташкил этилган. Қишлоқ ва сув хўжалиги учун кадрлар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича университет маркази ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу марказда кейинги пайтда 360 нафар хўжалик раҳбари ва 750 нафардан ортиқ мутахассис ўқитилди.

Бироқ таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бирлаштириш жараёнини кўриб чиқишда бунга тўсқинлик қилаётган айрим ҳолатларни ҳам қайд этиш лозим. Масалан, олимларнинг меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга йўналтирилган ва синовдан ўтказилган тавсияномалари ҳар доим ҳам тўлиқ қўлланилмаяпти. Жойларда фермерлик соҳасидаги энг яхши хориж тажрибаси ва илғор технологияларидан фойдаланишга етарли даражада эътибор берилмаётир. Шундай эса-да, интеграциялашув жадаллашиб, ўз натижаларини бермоқда. Илмий-тадқиқот фаолиятини грант асосида қўллаб-қувватлаш механизмини жорий қилиш, илмий ва ишлаб чиқариш тузилмалари билан ҳар томонлама ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорлик тизимини ташкил этишнинг якуний мақсади аграр университетини мамлакатимиз агросаноат мажмуининг амалий бўғинига айлантиришдан иборат.

ЎзА мухбири А.ИВАНОВА суҳбатлашди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2003-2004 ўқув йили учун магистратурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- ✓ *Информатика*
- ✓ *Педагогика (таълим турлари бўйича)*
- ✓ *Психология (таълим турлари бўйича)*
- ✓ *Касб таълими (соҳалар бўйича)*
- ✓ *Мусиқий таълим*
- ✓ *Бошланғич таълим*
- ✓ *Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият*
- ✓ *Музейшунослик; консервация ва бадиий бойликларни сақлаш*
- ✓ *Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)*
- ✓ *Адабиётшунослик (рус адабиёти)*
- ✓ *Лингвистика (ўзбек тили)*
- ✓ *Лингвистика (рус тили)*
- ✓ *Лингвистика (тожик тили)*
- ✓ *Ватан тарихи*
- ✓ *Умумий тарих*
- ✓ *Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари*
- ✓ *Археология*
- ✓ *Диалектика ва билиш назарияси*
- ✓ *Сиёсат фалсафаси*
- ✓ *Ижтимоий фалсафа*
- ✓ *Социология назарияси, методологияси ва тарихи*
- ✓ *Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти*
- ✓ *Менежмент (соҳалар бўйича)*
- ✓ *Зоология*
- ✓ *Ботаника*
- ✓ *Ўсимликлар физиологияси*
- ✓ *Одам ва ҳайвонлар физиологияси*
- ✓ *Биокимё*
- ✓ *Биотехнология*
- ✓ *Назарий физика*
- ✓ *Лазер физикаси*
- ✓ *Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси*
- ✓ *Магнит ҳодисалар физикаси*
- ✓ *Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика*
- ✓ *Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш*
- ✓ *Назарий механика*
- ✓ *Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси*
- ✓ *Суюқлик, газ ва плазма механикаси*
- ✓ *Ноорганик кимё*
- ✓ *Аналитик кимё*
- ✓ *Органик кимё*
- ✓ *Физик география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси*
- ✓ *Математик таҳлил*
- ✓ *Дифференциал тенгламалар*
- ✓ *Геометрия ва топология*
- ✓ *Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика*
- ✓ *Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси*
- ✓ *Математика фанини ўқитиш методикаси*
- ✓ *Ҳисоблаш математикаси*
- ✓ *Амалий математика ва ахборот технологиялари*
- ✓ *Математик моделлаш*
- ✓ *Математик физика*
- ✓ *Оптималлаштириш ва оптимал бошқарув*
- ✓ *Қаттиқ жисмли электроника, микроэлектроника*
- ✓ *Квант электроникаси*
- ✓ *Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (электроника ва микроэлектроника)*
- ✓ *Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (информатика ва ахборот технологияси)*
- ✓ *Тупроқшунослик*
- ✓ *Агротупроқшунослик ва агрофизика*
- ✓ *Экология*

Магистратурага ўқишга кирувчилар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ◆ *магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасаси ректорининг номига ариза;*
- ◆ *олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва унинг иловаси;*
- ◆ *6 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат;*
- ◆ *086 У шаклдаги тиббий маълумотнома.*

Ҳужжатлар тақдим этилиш жараёнида ўқишга кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

СамДУ ва Болония (Италия) университетларининг «Археология», «Музейшунослик, консервация ва бадиий бойликларни сақлаш», «Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари» мутахассисликлари бўйича қўшма магистратурасига ҳам ҳужжатлар қабул қилинади. Қўшма магистратурага кирувчилар инглиз тилидан қўшимча имтиҳон топширадилар.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Давлат стипендияси совриндорлари магистратурага бакалавриатнинг таълим йўналишига мос мутахассисликларга танловдан ташқари кириш синовларисиз қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Физика-кимё факультетлари биноси.

Телефон: 35-01-74, 31-05-25.

СамДУ қабул комиссияси

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА БОЛОНИЯ (ИТАЛИЯ) УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҚЎШМА МАГИСТРАТУРАСИГА

2003-2004 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- ✓ *Археология.*
- ✓ *Музейшунослик; консервация ва бадиий бойликларни сақлаш.*
- ✓ *Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар методлари.*

- ● ***Магистратурага кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш синовларини топширадилар:***
- ✓ *Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари.*
- ✓ *Мутахассислик фани.*
- ✓ *Инглиз тили.*

Магистратурани тугатганларга Болония ва Самарқанд давлат университетларининг дипломлари берилади.

- ● ***Ҳужжатлар 2003 йил 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади.***
- ● ***Магистратурага кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:***
- ✓ *Ариза.*
- ✓ *Олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асл нусхаси ва унинг иловаси.*
- ✓ *3х4 ҳажмдаги 8 дона фотосурат.*
- ✓ *086 У шаклдаги тиббий маълумотнома.*
- ✓ *Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.*

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Физика-кимё факультетлари биноси. Қабул комиссияси.

Тел.: 35-01-74, 31-05-25.

Иқтисод ва ислоҳот

ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

Иқтисодиётимизни ривожлантиришда республикамиздаги мавжуд 100 дан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектининг ўзига хос ўрни бор. Улар ички бозорни сифатли маҳсулотлар, хилма-хил товарлар билан тўлдиришга ҳисса қўшмоқда. Маҳсулотлари харидорларга манзур бўлаётган корхоналар орасида «Нонаш» ҳам бор.

— «Нонаш» 2001 йил 5 октябрда очилган, — дейди корхона бош директори Шукрулла Файзуллаев. — Аввал «Pasta Kamola» корхонасида ишлаб тажриба орттирганим қўл келди. Корхонага зарур асбоб-ускуналарни сотиб олиб, малакали мутахассисларни жалб қилдик. Шаҳар марказидан жой топдик.

Корхонамиз ишни даставвал пряник маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан бошлади. Боиси, пряникнинг сақланиш муддати 30 кун. Бошқа маҳсулотлар, масалан булочкалар эса 2 кунда қотиб қолади. Боз устига уларни ҳар қадамда учратиш мумкин. Пряниклар ҳам кўп, лекин сифати... Бизнинг маҳсулотларимиз сифати аъло даражада. Ойига 10 тонна маҳсулотни ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб бераяпмиз.

Ҳозир «Нонаш»да 5 хил турдаги пряниклар ишлаб чиқариляпти. Булар шоколадли, ёнғоқли, асалли ва хушбўй ҳидли долчин ўсимлигидан тайёрланган пряниклардир. Яқинда жамоа янги турдаги мева қўшилган пряникларни харидорларга тақдим этди. Пряниклар 400 граммда қадоқланган ҳолда чиқариляпти.

Хомашё асосини Ўзбекистон маҳсулотлари ташкил қилади. Фақат маргарин хорижники. Маҳсулот сифатини янада яхшилаш учун келтирилаётган хомашё доимий назоратга олинган.

Яқинда корхона Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки томонидан ўтказилган «Энг яхши бизнес-лойиҳа» танловида биринчи ўринни қўлга киритди ва 20000 еврога тенг келадиган офис техника жиҳозлари билан тақдирланди.

— Режаларимиз катта, — дейди Шукрулла Файзуллаев. — Корхонани кенгайтириб, маҳсулотларни Ўзбекистоннинг барча жойларига етказиб беришни кўзлаяпмиз. Айни чоғда янги турдаги пряник ва печеньеларни ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

Омонулла ФАЙЗИЕВ



«ОЛОТТЕКС» ДУНЁГА ТАНИЛМОҚДА

Бухоро. Олот туманида «Олоттекс» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси фаолият бошлаганига унча кўп бўлгани йўқ. Корхонанинг барпо этилиши учун Асака акциядорлик тижорат банки 4,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Шунингдек, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 49 ва Швейцариянинг «Виматекс Интер» фирмаси 51 фоиз улуш ҳам қўшдилар. Замонавий жиҳозлар ва технология ускуналарини туркиялик ҳамда германиялик мутахассислар ўрнатиб беришди.

Корхона келгусида тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 2958 тоннагача калава ип, 6 миллион пагонометргача хом сурп тайёрлаш қувватига эга бўлади. Энг муҳими, бугунги кунда бу ерда туман йигит-қизлари учун юзлаб муқим иш жойлари яратилди.

❖❖❖

Суратда: корхонанинг илғор ишчиси Мехринисо Жумаева.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ЙЎЛОВЧИНИНГ ЙЎЛ ТАШВИШИ

Мамлакатимизда темир йўл транспорти ривожланишига катта эътибор берилмоқда. Айниқса, мустақиллик йиллари темир йўл қурилишида кескин бурилиш юз берди. Навоий — Учқудуқ — Мискин — Тўрткўл — Нукус темир йўлининг фойдаланишга топширилиши Қорақалпоғистон Республикаси тарихида муҳим воқеа бўлди. Тошкент — Нукус масофаси яқинлашди. Вақт тежалди. Қолаверса, «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл линияси қурилиши ҳам шундай натижа бериши шаксиз.

Аммо ҳали йўловчиларнинг йўл ташвиши кўп. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан бири — Чимбойда нуроний бир отахон билан учрашиб қолдик.

— Чимбойга темир йўл келганига кўп йил бўлди, — сўз бошлади у. — Қўнғирот — Нукус — Чимбой шаҳарлараро йўловчи поезди ҳам қатнаб турибди. Бундан миннатдормиз. Бироқ, бекатларда йўловчилар учун шарт-шароит йўқ. Ёзнинг жазирама иссиғи ёки қишнинг қор-қировли совуқ кунларида лоақал паналайдиган жой ҳануз қурилмади... На темир йўл хизмати идоралари, на ҳокимлик шуғулланади бу иш билан...

Зоит ҲАБИБОВ, Чимбой туман ҳокими ўринбосари:

— Гап темир йўл ҳақида бўладиган бўлса, бу — туман ҳокимлигининг ташвиши эмас, Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели раҳбариятига тегишли...

Тўғри, темир йўл хизмати қулайликлари билан Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели раҳбарияти шуғулланади. Лекин Чимбойда 100 мингдан кўпроқ аҳоли ҳам яшайди-ку. Наҳотки, улар учун шарт-шароит яратиш ҳокимликни қизиқтирмаса?..

Узоқбой ТЛЕУМУРАТОВ, туман бош архитектори:

— Мен бу ерда янги одамман. Темир йўлга — станцияга ҳали бормаганман. Масофа анча олис, 3 километр...

Ўмирбой ҚЎСНАЗАРОВ, темир йўл станцияси бошлиғи:

— Шикоят ёзган йўловчилар ҳақ... Совуқда паналайдиган, иссиқда соялайдиган жой йўқ. Ичимлик сув муаммо... Лекин биз фақат келган юкларга ва ҳаракатларга жавоб берамиз. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш бизнинг вазифамизга кирмайди. Уларга ёрдам кўрсатадиган шароитда эмасмиз. Темир йўл хизматининг ўз ташкилоти, ўз раҳбарияти бор. Аммо, ишга ҳокимлик аралашиб, лоақал бирор айвон қуриб берса яхши бўларди...

Станция бошлиғининг гапидан сўнг яна ҳокимликка келиб аҳволни ўнглаш борасида кўрилган чора-тадбирлар билан қизиқдик.

«2001 йил 9 апрель, 110-рақамли хат: «Орол бўйи темир йўл бўлими бошлиғи Т.Темирбоевга. Чимбой тумани ҳокими Сиздан туман ҳамда шаҳар ҳудудидаги фуқаролар аризаларида баён этилган истакларни қаноатлантириш мақсадида Чимбой шаҳрида жойлашган Чимбой темир йўл станцияси қошида йўловчиларга қулайлик — «поезд кутиш зали» қуриш учун ёрдам беришингизни сўрайман.

Чимбой туман ҳокими имзо.»

Бироқ ҳокимликда бу сўровга темир йўл бўлимидан келган жавоб топилмади.

Яна бир хат: **«Аму тонги» газетасининг бош муҳаррири Аннақиличевага, Чимбой тумани ҳокими Қ.Дошумбоевга.**

Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели бошлиғи Қ.Нуруллаев шу йил 20 февралдаги хати билан «Аму тонги» газетасининг 6 февраль, 2003 йил, 6-сонида ёритилган «Вокзал қачон қурилади?» номли мақола билан танишиб чиқиб, «ДАТК Ўзбекистон темир йўллари» Қўнғирот минтақавий темир йўллари узели раҳбарияти номидан қуйидагиларни маълум қилади:

Чет давлатларнинг чегарасидан ўтмайдиган ягона Ўзбекистон темир йўлларини тузиш мақсадида ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистон темир йўллари раҳбарияти янги йўлларни ўзлаштиришга кўп маблағ сарфлаётир. Масалан, «Учқудуқ — Тўрткўл — Нукус» ва янги қурилаётган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўл линиясига давлат бюджетидан 20 фоиз, Ўзбекистон темир йўллари компаниясидан эса 80 фоиз маблағ ажратилмоқда. Ана шу қурилишлар ниҳоясига етгандан кейин бекатларда кутиш зали қурилишига маблағ ажратилади...»

Ана жавоб! Демак, темир йўл қурилишлари битмагунча фойдаланишга топширилган ҳаракат линияларида йўловчилар паналайдиган ёки соялайдиган бирорта ҳам бино тикланмас экан-да!?

Кўптлеу НУРУЛЛАЕВ, Қўнғирот ҳудудий темир йўл узели раҳбари:

— Йўловчилар поезди қатнаётганига беш-олти йил бўлди-ю, бекатларда кутиш зали қурилиши билан гапнинг рости, ҳеч ким шуғулланмаяпти. Сабаби маблағ кам. Бир пайтлар Чимбойда «Тошжелдорпроект» институти томонидан 100 ўринли вокзал қуриш ҳақида лойиҳа-смета тайёрланган эди. Лекин у амалга ошмай қолиб кетди. Чунки, на бирор мутасадди ташкилот қизикди, на ҳокимлик... Азоб-уқубатини эса йўловчилар кўраяпти...

Сўнгги жавобни «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раҳбариятидан эшитсак...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

BANK XALQ BANKI — ХАЛҚ БАНКИ

«Яхшилик ниҳоли» —

янги жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари томонидан камида 5000 сўм миқдорида нақд ёки пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

«Яхшилик ниҳоли» —

жамғарилувчи омонат тури соҳибларининг топширигига кўра, уларнинг ҳисоб варақаларидан маблағлар маиший хизмат тўловларига нақд пулсиз йўл билан ўтказилганда хизмат ҳақи олинмайди.

Маблағларингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг!

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 602
8283 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01.00
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Ҳикматли сўзлар маъноси

ЁМОН ХОТИН ОЛГУНЧА, БЎЙДОҚ ЮРГИН ЎЛГУНЧА

Вар.: «Бўлғусизни олгунча, бўйдоқ ўтир ўлгунча» (бўлғусиз — бемаъни, ярамас); «Ўтмас пичоқ таққунча, тишлаб егин тўйгунча»; «Ёмон хотин олгунча, бўйдоқ юргин ўлгунча»; «Ёмон отни мингандан яёв юрган яхшироқ, ёмон хотин олгандан бўйдоқ юрган яхшироқ».

ЁМОН ЎҒИЛ — МОЛГА ЎРТОҚ, ЯХШИ ЎҒИЛ — ЖОНГА ЎРТОҚ

Вар.: «Яхши ота бола умрин тилар, ёмон бола ота ўлимин тилар»; «Азроил — одамнинг жонига қасд, ёмон ўғил — отанинг молига қасд». Эътиқодий тушунчага кўра, кишининг ажали етса Азроил келиб жонини олармиш. Ёмон ўғил отанинг мол-мулкидан, ундан қоладиган меросдан умид қилиб, ота ўлимини тилайди, унинг ўлишини кутиб ётади, ҳатто ўлдиради ҳам.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА



Бугун Бангкок(Таиланд)да бокс бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Унда мамлакатимиз «чарм қўлқоп» усталари юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

— Мазкур мусобақада Ўзбекистон боксчилари илк маротаба тўлиқ таркиб билан қатнашмоқда, — дейди терма жамоа бош мураббийи Темур Fуломов. — Таркибда Отабек Мамажонов (48 кг.), Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Баҳодир Султонов (54 кг.), Беҳзод Хидиров (57 кг.), Дилшод Маҳмудов (60 кг.), Бахит Сарсикбоев (64 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.), Ўткирбек Ҳайдаров (75 кг.), Икром Бердиев (81 кг.), Сергей Михайлов (91 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.) каби энг сара боксчилар жамланган.

❖❖❖

Суратда: пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида мусобақага ҳозирлик кўрган терма жамоа мураббийлари ва боксчилари охирги машғулотдан сўнг.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2003 йил 25 июль куни соат 10.00да очиқ акциядорлик жамияти ўзининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказади.

Йиғилиш Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22-уйда жойлашган ОАЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Кун тартиби:

1. ОАЖ Кузатув Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
2. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.
3. ОАЖнинг янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш.

Маълумот учун телефонлар: 53-63-25, 53-52-44.

Кузатув Кенгаши

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 12-ўрта мактаб томонидан Норхўжаева Нилуфар Султонмуратовна номига 1991 йили берилган В — 177220 рақамли йўқолган гувоҳнома **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 118-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
51
76
47
67
71
87
14
63
20
Сони: 3
Сумма: 600000
Чипталар рақами
10016394.3
40017244.1
60010236.3

2 Тур
1
85
42
69
34
43
50
19
44
55
40
65
17
Сони: 1
1 хонали уй
Сумма: 1800000
Чипта рақами
30015504.2

3 Тур
2
73
39
46
54
84
75
81
15
27
31
70
86
79
13
9
52
24
45
Сони: 2
Сумма: 900000
Чипталар рақами
40005931.3
70023996.3

4 Тур
49
22
59
90
57
58
4
32
53
16
5
8
30
66
26
10
3
38
88
36
41
28
Сони: 1
ВАЗ 2107 автомобили
Сумма: 5000000
Чипта рақами
30017613.2

5 Тур
82
Сони: 1
ВАЗ 2107 автомобили
Сумма: 5000000
Чипта рақами
60028283.1

6 Тур
64
Сони: 1
ВАЗ 2107 автомобили
Сумма: 5000000
Чипта рақами
10010541.1

7 Тур
37
Сони: 1
Сумма: 25000

8 Тур
77
Сони: 3
Сумма: 20000

9 Тур
11
Сони: 2
Сумма: 15000

10 Тур
78
Сони: 3
Сумма: 10000

11 Тур
12
Сони: 4
Сумма: 5000

12 Тур
21
Сони: 4
Сумма: 2000

13 Тур
89
Сони: 3
Сумма: 1000

14 Тур
18
Сони: 3
Сумма: 900

15 Тур
72
Сони: 4
Сумма: 800

16 Тур
25
Сони: 10
Сумма: 700

17 Тур
80
Сони: 10
Сумма: 600

18 Тур
62
Сони: 24
Сумма: 500

19 Тур
48
Сони: 26
Сумма: 400

20 Тур
60
Сони: 54
Сумма: 300

21 Тур
23
Сони: 92
Сумма: 300

22 Тур
7
Сони: 115
Сумма: 300

23 Тур
29
Сони: 187
Сумма: 300

24 Тур
56
Сони: 289
Сумма: 300

25 Тур
83
Сони: 427
Сумма: 300

Қўшимча тур
Сони: 8
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
6
33
35
61
68
74

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипта рақами
4	1	1800000	60016523.4
3	4	1000	
2	213	300	
1	2242	100	

«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган): **6, 33, 35, 61, 68, 74**

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 7 августдаги 119- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ

ОАО «ДОН НОН»

Порядковый номер сообщения — 09

Вид общего собрания — годовое

Дата проведения общего собрания — 14.04.2003 г.

Место проведения общего собрания — г.Ташкент ул. Гёте — 50.

Кворум общего собрания — 84%

Вопросы поставленные на голосование и итоги голосования по ним

1 вопрос. Отчет наблюдательного совета и оценка ее деятельности.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить отчет наблюдательного совета.

Оценит ее деятельность — удовлетворительно

2 вопрос. Отчет дирекции о деятельности ОАО «Дон нон», утверждение баланса за 2002 год, расчета листа прибылей и убытков.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить отчет деятельности дирекции и деятельность считать — удовлетворительным, а также баланса и листа убытка за 2002 год.

3 вопрос. Утверждение заключение аудиторской фирмы по деятельности ОАО «Дон нон» за 2002 г.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить аудиторское заключение за 2002 год.

4 вопрос. Утверждение заключение ревизионной комиссии о деятельности АО «Дон нон» за 2002 год.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить залкючение ревизионной комиссии за 2002 год.

5 вопрос. Определение аудитором аудиторской фирмы «Дунё-аудит» на 2003 год и размера оплаты труда.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить аудитором аудиторскую фирму «Дунёаудит» на 2003 г. размер оплаты труда договорная.

6 вопрос. Избрание нового состава наблюдательного совета акционерного общеста.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить новый состав наблюдательного совета.

7 вопрос. Оценка деятельности председателя правления и продление с ним трудового договора на 1 год.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить председателе́м правления Нуралиева Т.Н.

8 вопрос. Утверждение новых 2-х членов, вместо вышедших членов из исполнительного органа.

Проголосовали — единогласно. Сулейманова Т. и Сембиновой Г. исключить, Жаббарова М. и Усманову М. включит в состав исполнительного органа.

9 вопрос. О включении изменении в Устав, в положении исполнительного органа и наблюдательного совета.

Проголосовали — единогласно. Постановили — включить изменение после выхода решений Кабинета Министров Республики Узбекистан.

10 вопрос. Утверждение «Бизнес-плана», смету баланса и прибыля, заданий ОАО «Дон нон» на 2003 год.

Проголосовали — единогласно. Постановили — утвердить выполнение смету баланса и прибыля, а также заданий на 2003 г. ОАО «Дон нон».

Наблюдательный совет

Масъулияти чекланган А.В. — ВІОКОМ жамияти ўз низом жамғармаси 648520000 сўмдан 272000 сўмгача қисқартирилаётганини эълон қилади. Барча эътирозлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 700053. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Обидова кўчаси, 160-уй.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 24-ҳунартехника билим юрти (собиқ) томонидан 1988 йил 11 июлда Саидова Анбаржон Саатовна номига берилган № 055796 рақамли ўрта махсус маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**